

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОХУЖАЕВ ШУХРАТ УМАРОВИЧ

**ВЎЗАНИНГ *G.HIRSUTUM* L. ТУРИГА МАНСУБ АЙРИМ
ХРОМОСОМАЛАРИ АЛМАШТИРИЛГАН ШАКЛЛАРИНИНГ
ЦИТОГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ**

03.00.09- Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобохужаев Шухрат Умарович

дўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб айрим хромосомалари алмаштирилган шаклларининг цитогенетик таҳлили..... 5

Бобохужаев Шухрат Умарович

Цитогенетический анализ форм с замещениями отдельных хромосом у хлопчатника вида *G.hirsutum* L..... 21

Bobokhujayev Shukhrat Umarovich

Cytogenetic analysis of the forms with substitutions of the individual chromosomes of the cotton *G.hirsutum* L..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 42
List of published works

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОХУЖАЕВ ШУХРАТ УМАРОВИЧ

**ҒЎЗАНИ *G.HIRSUTUM* L. ТУРИНИНГ АЛОҲИДА
ХРОМОСОМАЛАРИ АЛМАШТИРИЛГАН ФОРМАЛАРИНИ
ЦИТОГЕНЕТИК ТАҲЛИЛИ**

03.00.09-Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам №B2018.2.PhD/B31 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Санамьян Марина Феликсовна

биология фанлари доктори, бош илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Набиев Саидғани Мухторович

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Эгамбердиева Саида Абдисаматовна

кишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги **DSc.02/30.12.2019.B.53.01** рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ кунин соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунин тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Дж.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д.

Б.Х.Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ғўза дунёдаги энг қадимги маданийлаштирилган ўсимлик ҳисобланади. «Бутун дунёдаги мамлакатлар деярли бир вақтнинг ўзида пандемияга дучор бўлишган бўлса-да, улар вирусни ушлаб туриш ва иқтисодиётларини қайта бошлаш қобилиятига асосланиб, турли хил тезликда тикланади. 2020/21 йилларда пахта хом-ашёсини етиштириш 7,2 фоизга ўсиб, 24,3 миллион тоннагача ўсиши кутилаётган бўлса-да, глобал ишлаб чиқариш (25,1 миллион тонна) истеъмолдан ошиб кетиши кутилаётганлигини ҳисобга олсак, янада ўсиб боради»¹. Шу ўринда, дунё миқёсида ғўзада хромосомаси алмашган линияларда тола чиқими ва сифати юқори, маҳсулдорлигини ошириш ҳамда мавжуд навларни хўжалик белгиларини такомиллаштириш асосида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган манбаларни яратиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунёда ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб тўлиқ моносомик линиялар тўплами жорий давргача тўлиқ яратилмаган, чунки геномнинг 5, 8, 13, 14, 15, 19, 22 ва 24 хромосомалари бўйича моносомик линиялар олинмаган. Бу борада ғўзада моносомик линиялардан хромосомаси-алмаштирилган линиялар олишда кенг фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Алоҳида хромосомалар ёки уларнинг елкалари алмаштирилган линиялар тўпламини яратиш, *G.barbadense* L. турининг геномининг алоҳида қисмларини (алоҳида ўзига хос хромосома жуфтлари ёки алоҳида хромосома елкалари шаклида) мақсадли равишда *G.hirsutum* L. турига киритиш, ўз навбатида, бир жуфт хромосомаларининг *G.hirsutum* L. гомеологи билан ўзига хос рекомбинантларни маданий навларга ўтказиш ҳамда тола сифатини яхшилаш бўйича илмий изланишларга эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз олимлари томонидан ғўзанинг *G.hirsutum* турига мансуб янги анеуплоид линиялар коллекцияси яратилди, моносомик линиялар ёрдамида генлар локализациялаш ва уларни идентификациялаш ҳамда янги хромосомаси-алмашган шакллардан хромосомада молекуляр маркерларнинг жойлашувини аниқлаш ҳисобига муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “...маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда анеуплоид линияларни донор линияси билан частиштириш, дурагайлар орасидан цитогенетик методлар ёрдами хромосомаси-алмашган моносомик дурагай олиш, спорада ва чангчиларни пуштлилиқ ўрганиш, моносомик дурагайлар ичидан биоморфологик хилма-

¹ <http://www.icac.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

хилликни ажратиб олиш ҳамда ғўзанинг янги хромосомаси-алмашган линияларини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари» тўғрисидаги қарори ва ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг *G.hirsutum* L. турида биринчи моносомик линия J.O. Beasley томонидан 1942 йилда топилган. Кўп йиллар давомида келиб чиқиши ҳар хил бўлган анеуплоид линиялар олинган (M.S. Brown, J.E. Endrizzi, 1964) ва бу линиялар кейинчалик АҚШда цитогенетик тестлар ёрдамида идентификацияланган (Endrizzi et al., 1985). ЎЗМУ да М.Ф. Санамьян ва унинг шогирдлари билан ғўзанинг *G.hirsutum* турининг янги анеуплоидлар линиялари коллекциясини яратди (М.Ф. Санамьян и др. 2000; M.F. Sanamyan et al. 2014). Уларнинг орасидан A_n -субгеномининг 2, 4, 6 ва 7, D_n -субгеномининг 18 хромосомалари бўйича моносомик линиялар, бундан ташқари 6 ва 11 хромосомалар бўйича монотелодисомик линияларни ҳозирги кунда цитогенетик ва молекуляр-генетик усуллар ёрдамида идентификацияланди (М.Ф. Санамьян и др. 2016; 2019).

Ғўзада хромосомаси-алмаштирилган линиялар яратиш биринчи марта АҚШда амалга оширилди (S. Saha et al., 2004; D.M. Stelly et al., 2005), кейинчалик уларнинг қимматли-хўжалик белгилари ўрганилди (S. Saha. et al., 2004; J.N. Jenkins et al., 2017). Хромосомаси-алмашган линияларда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказилган (O.A. Gutierrez et al., 2009; S. Saha. et al., 2015; M. Ulloa et al., 2016), шунингдек, уларнинг абиотик ва биотик омилларга чидамлигини ўрганилган (M. Ulloa et al., 2016; A. Awasthi et al., 2018). Аммо, ғўзанинг *G.hirsutum* турига мансуб анеуплоид линияларининг тўлиқ тўпламининг йўқлиги сабабли, хромосомаси алмаштирилган линияларнинг барча хромосомалар бўйича тўлиқ тўпламини олиш мумкин эмас. Бундан ташқари, бир нечта муаллифлар томонидан CS-B05sh, CS-B06, CS-B07, CS-B15sh хромосомаси алмаштирилган линиялар учун молекуляр-генетик исботнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ДНК захираларидан бири Chr-17 бўйича гемозигот бўлган *G.barbadense* турига мансуб ўсимликдан келиб чиққан дейилгани ҳолда Chr-11 бўйича гемизигот

бўлиб чиққанлиги, ушбу хромосомалар учун CS-линияларини яратиш учун янги тадқиқотлар олиб борилиши лозимлигини кўрсатади. Шунинг учун ғўзанинг янги анеуплоид линиялари ва янги хромосомаси-алмаштирилган линияларни олиш долзарб ва зарурдир.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари ЎзМУнинг илмий-тадқиқот ишларининг режасининг №Ф-5-31 «Моносомлари бир хил шаклга келтирилган ва тартибли рақамланган *Gossypium hirsutum* L. ғўзасининг моносом линиялари тўплами ёрдамида маркерли генларнинг хромосомада жойланишларини аниқлаш», №ОТ-А-ҚХ-2018-379 «Ўзанинг *G.hirsutum* L. тури тола сифатини яхшилаш, *G.barbadense* L. турининг турлараро аниқ гомолог хромосомаларидан алоҳида алмаштириш учун мақсадли дурагайлашда фойдаланиш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илгари олинган *G.hirsutum* L. турига мансуб анеуплоид линиялар ёрдамида алоҳида хромосомаси ёки елкалари алмаштирилган специфик хромосомаларни ёки уларнинг елкаларини *G.barbadense* L. туридан *G.hirsutum* L. турига мақсадли равишда алмаштириш орқали ғўзанинг янги турлараро анеуплоид дурагай шакллари олиш, шунингдек уларнинг цитогенетик ва биоморфологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЎзМУ Цитогенетик коллекциясидаги *G.hirsutum* турига мансуб идентификацияланган анеуплоид линияларининг *G.barbadense* турининг Pima 3-79 линияси билан чатишувчанлигини ўрганиш, шунингдек F₀ да чигит тугилишини, уларнинг унувчанлигини ва F₁ ўсимликларининг яшовчанлигини таҳлил қилиш;

турлараро анеуплоид F₁ ўсимликларининг цитологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкалари алмашган турлараро анеуплоид F₁ ўсимликларининг биоморфологик таҳлилинини ўтказиш;

ғўзанинг *G.hirsutum* L. турининг анеуплоид линияларининг анеуплоид F₁ ўсимликлари билан чатишувчанлигини ўрганиш, шунингдек чигит тугилишининг таҳлили ва F₁BC₁ турлараро дурагай уруғларининг унувчанлиги ва F₁BC₁ ўсимликларининг яшовчанлигини тадқиқ қилиш;

турлараро анеуплоид F₁BC₁ дурагай ўсимликларининг цитогенетик таҳлилинини амалга ошириш;

алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкалари алмашган турлараро анеуплоид F₁BC₁ дурагай ўсимликларининг биоморфологик таҳлилинини ўтказиш;

ғўзанинг *G.hirsutum* L. анеуплоид линияларини турлараро анеуплоид F₁BC₁ дурагай ўсимликлари билан чатишувчанлигини ўрганиш,

чигит тугилиш ва F_1BC_2 турлараро дурагай уруғларининг унувчанлиги ва F_1BC_2 ўсимликларнинг яшовчанлигини аниқлаш;

турлараро анеуплоид F_1BC_2 дурагайларнинг цитогенетик таҳлилини амалга ошириш;

алоҳида хромосомаси ёки уларни елкалари алмашган турлараро F_1BC_1 анеуплоид дурагайларининг биоморфологик таҳлили.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G.hirsutum* L. турининг олдин идентификацияланган анеуплоид линияларини *G.barbadense* L. турининг Pima 3-79 линияси билан чатиштиришдан олинган F_1 турлараро дурагай ўсимликлари, шунингдек ғўзанинг рекуррент ота-оналар (*G.hirsutum* анеуплоид линиялари) ни турли хил F_1 ва F_1BC_1 турлараро анеуплоид дурагайлари билан чатиштиришдан олинган алоҳида хромосомаси ёки уларни елкаси алмашган беккросс дурагай ўсимликларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ЎзМУнинг цитогенетик коллекциясининг моносомик ва монотелодисомик линияларни *G.barbadense* турининг Pima 3-79 линияси билан чатиштиришдан олинган, алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкаси алмашган ғўзанинг дурагай ўсимликларини хромосомалар конъюгация хусусиятларини, мейотик индекс ва чангчиларининг пуштлилиги ўрганиш, шунингдек уларнинг турли беккросс дурагай авлодлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўзанинг дурагайлаш ва цитогенетик таҳлили, хромосома конъюгацияси, спорада ва чангчиларни пуштлилик таҳлили, замонавий усуллари “Sporada”, “Pollen” ва “Flowers” дастурлари ҳамда илгари ишлаб чиқилган схема бўйича алоҳида хромосомаси алмашган шаклларни биоморфологик таҳлили усулларида фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор алоҳида хромосомалари (2, 4, 6, 7 ва 18) ва хромосома елкалари (6-елкаси ва 11-елкаси) алмашган турлараро анеуплоид F_1 дурагай ўсимликлари ва беккросс F_1BC_1 ва F_1BC_2 шаклларининг чатишувчанлик, чигит тугувчанлиги, уруғ унувчанлиги ҳамда яшовчанлик кўрсаткичлари аниқланган;

G.hirsutum турига мансуб олдиндан идентификацияланган моносомик ва монотелодисомик линияларни *G.barbadense* турига мансуб Pima 3-79 линияси билан чатиштириб олинган турлараро анеуплоид F_1 дурагайларда, шунингдек ғўзанинг алоҳида хромосомаси (2, 4, 6, 7 ва 18) ва хромосома елкалари (6-елкаси ва 11-елкаси) алмашган турлараро анеуплоид беккросс F_1BC_1 ва F_1BC_2 ўсимликларида мейознинг метафаза-I босқичида хромосома конъюгациясининг таҳлили ва спорадалар ҳамда чангларнинг пуштлилиги таҳлил қилинган;

ғўзанинг янги F_1 турлараро анеуплоид дурагайларида, шунингдек алоҳида хромосомаси (2, 4, 6, 7 ва 18) ва хромосома елкалари (6-елкаси ва 11-елкаси) алмашган F_1BC_1 ва F_1BC_2 турлараро анеуплоид беккросс ўсимликларида биоморфологик таҳлил орқали қуйидаги маркер белгилар

аниқланди: 2-хромосома бўйича - кўсақлар юмалоқ шаклда; 4-хромосома бўйича - узун кўсақ банди, тухумсимон кўсақ, асосий поя қалин тукланган ва қалин баргланган; 6-хромосома бўйича - кўсақ бандлари калта, барглари қалин ва бўғим оралиғи жуда ҳам калта, 7-хромосома бўйича - барглари йирик ва оч яшил, барг бандлари узун; 18-хромосома бўйича - барглари ўртача майда, гуллари ва кўсақлари майда, уруғчи тумшукчаси калта, 6-хромосома бўйича - барглари йирик ва банди узун; 11-хромосома бўйича - икки ва уч бўлакли тўқ яшил барглар, кўсақлари юмалоқлиги аниқланган;

G.hirsutum турининг инбрединг Л-458 линияси генотиби асосида алоҳида хромосомалари (2, 4, 6, 7 ва 18) ва хромосома елкалари (6-елкаси ва 11-елкаси) алмашган F_1 турлараро анеуплоид дурагайлари ва F_1BC_1 ва F_1BC_2 беккросс шакллари олинган.

Тадқиқотларнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ғўзада алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкалари алмашган янги шаклларнинг олиниши ва ушбу шакллардаги цитогенетик ва биоморфологик хусусиятларни аниқланишидан иборат;

ушбу хромосомаси алмашган янги дурагай шакллари келажакда ғўзада энг муҳим тола сифати белгиларини интрорессия қилиш мақсадида янги хромосомаси алмашган линияларни яратишда, шунингдек молекуляр-генетик таҳлиллар ва ҳар бир хромосомага хос бўлган маркерларни хромосома билан бирлаштиришда қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар ва ёндашувлардан фойдаланилганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамаси, етакчи илмий маҳаллий илмий журналларда ва импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилгани, шунингдек ЎзМУнинг Ноёб объекти коллекциясига хромосомаси-алмашган шакллар намуналарини киритилиши ва сақланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг *G.hirsutum* L. турининг Л-458 инбред линиясининг янги генотибига *G.barbadense* L. туридан алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкалари алмашган дурагайлар ва беккросс шакллар ва янги хромосомаси-алмашган линияларни яратишда, қимматли-хўжалик белгиларига эга, тола сифати яхшиланган, шунингдек, биоморфологик таҳлил ёрдамида уларнинг генетик ва фенотипик хилма-хиллигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзанинг алоҳида хромосомалари (2, 4, 6, 7 ва 18) ёки хромосома елкалари (6-елкаси ва 11-елкаси) алмаштирилган янги турлараро анеуплоид F_1 дурагайлари ва беккросс дурагайлари (F_1BC_1 ва F_1BC_2) нинг олиниши, шунингдек, дурагай шакллардаги бегона хромосома ёки уларнинг елкаларининг таъсири туфайли юз берган биоморфологик фарқларнинг аниқланиши билан ифодаланади. Хромосомаси алмашган линиялар тола юқори сифатига жавобгар генларнинг қимматли манбаи сифатида ишлатилиши мумкин бўлган рекомбинант-

инбред линияларни (РИЛ) яратишда, шунингдек молекуляр-генетик таҳлил ёрдамида хромосома ёки уларнинг елкарига специфик бўлган янги SSR маркерларини локализация қилиш учун дастлабки манба бўлиб хизмат қилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзани *G.hirsutum* L. турининг алоҳида хромосомалари алмаштирилган формаларини цитогенетик таҳлили буйича олинган натижалар асосида:

алоҳида хромосомалари алмашган дурагай шаклларида SSR маркерлари №ҚХ-ЁА-ФА-2018-78 “Ғўзанинг (*G.hirsutum* L.) ноёб моносомик дурагайларида нуқсонли хромосомаларни ДНК маркерлар технологияси ёрдамида аниқлаш” мавзусидаги амалий лойиҳасида молекуляр-генетик тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 9 сентябрдаги №4/1255-1845-сон маълумотномаси). Натижада, хромосомаси-алмашган дурагайларда айрим специфик хромосомаларни аниқлаш имконини берган;

алоҳида хромосомаси алмашган беккросс F₁BC₂ дурагайлари “Инбред, мутант, интрогрессив ва цитогенетик линиялар генетик коллекцияси – ғўза белгиларининг синтетик ген манбаи” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги №89-03-4913-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу намуналар ғўзанинг генетик гермплазмаси коллекциясини бойитиш имконини берган;

моносомик линиялар намуналари, шунингдек алоҳида хромосомаси-алмашган F₁ дурагайлар цитоэмбриологик усулда (шона ва гулларни фиксациялаш) фойдаланилган. Бу эса уларда оталик ва оналик репродуктив тизимининг ривожланиши табиати, шаклланиши ва ривожланиш интенсивлиги буйича назорат намуна билан тўлиқ ўхшашлиги аниқланган (Россия Фанлар Академиясининг В.Л.Комарова номидаги Ботаника институтининг 2020 йил 15 сентябрдаги №12503/VIII-461-597-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу намуналар цитоэмбриологик тадқиқотлар кенгайтиришга имкони берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан 8 та ҳалқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шундан 1 таси монография, 3 та гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Айрим хромосомалар ёки уларнинг елкалари етишмовчилиги бўлган ўсимликларнинг цитологик хусусиятлари ва аллотетраплоид ғўзада хромосомаси алмашган линияларни яратиш**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича республикада ва чет элларда ўтказилган илмий изланишлар, хусусан, турли хил маданий ўсимликларда, моносомик линияларни олиш бўйича таҳлил қилинган. Анеуплоид линиялардан фойдаланган ҳолда хромосомаси алмашган (CS) янги линиялар яратиш. Ғўзада хромосомаси-алмаштирилиши тола сифатига, ҳосилдорликка, турли касаллик ва зараркунандаларга бардошлиликка ҳамда бошқа агрономик жиҳатдан қимматли хусусиятларига таъсири алоҳида қайд этилган.

Диссертациянинг «**Тажриба манбаи, услублари ва шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида изланишларда фойдаланилган тадқиқот манбаи ва иш шароитлари, дурагайлаш олиб бориш хусусиятлари, иссиқхона ва лаборатория шароитида цитогенетик ва биоморфологик тадқиқотлар ўтказиш хусусиятлари, шунингдек олинган натижаларни қайта ишлашда қўлланиладиган статистик усуллар баён қилинган.

Шунингдек ушбу бобда бошланғич Л-458 ва Pima 3-79 линияларининг, шунингдек ЎЗМУнинг Цитогенетик коллекциясининг анеуплоид линиялари қисқача тавсифи берилган, хромосомаси-алмашган шакллари яратиш услуби, хромосомаларни конъюгация, спорада ва чангчиларни натижаларни статистик қайта ишлаш услублари (Доспехов, 1985) келтирилган, шунингдек «Sporada», «Pollen» ва «Flowers» дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб анеуплоид линияларининг *G.barbadense* L. турининг Pima 3-79 линияси билан чатишувчанлиги**» деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида 18 та идентификацияланган моносомик линиялар (2, 4, 6 ва 18 хромосомалар бўйича) ва битта монотелодисомик (11 хромосома бўйича) линиянинг *G.barbadense* турининг донор Pima 3-79 линияси билан чатишувчанлик натижаларининг таҳлили келтирилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида шуни аниқландики, 2 хромосома етишмовчилигига эга бўлган иккита линия (Mo16 ва Mo19) нинг чатишувчанлиги сезиларли равишда фарқ қилади (33,33 дан 66,67% гача); 4 хромосома етишмовчили эга тўққизта моносомик линиялар ҳам кенг ўзгарувчанликка эгаллиги билан фарқланди (12,50 дан 83,33% гача); 6 хромосомаси бўйича бешта моносомик линия сезиларли фарқларга эга бўлди (26,32 дан 60,00% гача). 18 хромосомаси етишмайдиган

Мо48 линиясининг чатишувчанлиги пастлиги билан тавсифланди (16,66% гача), шунингдек Мо21 (тело-11) монотелодисомик линияси энг юқори чатишувчанлик қийматиغا эга бўлди (100%). Идентификацияланган моносомик линиялар чатишувчанлигидаги бундай фарқлар турли хил ногомологик хромосомаларнинг етишмаслиги бўлган мазкур линияларнинг ўзига хослиги, шунингдек амалга оширилган чатиштиришлар сонидаги фарқланишлар ва ғўзанинг бошланғич моносомик ўсимликларини олишда қўлланилган нурланишларнинг турличалиги билан изоҳланади.


Диссертация учинчи бобининг “Ќўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб анеуплоид линияларни *G.barbadense* L. турининг Pima 3-79 линияси билан чатиштиришдан олинган F₀ авлодда чигит тугилиши ва унувчанликнинг, шунингдек F₁ дурагай ўсимликлари яшовчанлигининг таҳлили” деб номланган иккинчи бўлимида 2 хромосома етишмовчилиги эга Мо16 ва Мо19 иккита линияни Pima 3-79 линияси билан чатиштиришдан олинган F₀ уруғларни тугувчанлиги таҳлили келтирилган ва бунда дурагай уруғларни тугувчанликнинг назоратга нисбатан (73,83±4,25%) паст кўрсаткичи аниқланди (35,41±3,31 ва 40,75±2,54%, мос равишда). Дурагай уруғларнинг унувчанлиги кескин фарқ қилди, F₁ ўсимликларининг яшовчанлик даражаси юқори бўлди ва фарқланмади (100 ва 87,50%, мос равишда) ташкил қилди.

4-хромосома етишмовчилиги эга бўлган ўнта моносомик линияни чатиштиришдан олинган F₀ уруғларнинг тугилувчанлиги кичик диапазонда пасайиш билан тавсифланди (26,03±5,14 дан 52,82±4,19% гача). Дурагай F₀ уруғларнинг унувчанлиги кескин фарқ қилди ва бу ерда энг юқори унувчанлик (90,48%) ва энг паст унувчанлик (21,05%) кузатилди. F₁ ўсимликларининг яшовчанлик даражаси юқори бўлди, битта дурагай комбинациясида (F₁Мо89хPima 3-79) яшовчанликнинг кучли пасайиши кузатилди (42,11% гача). 6-хромосомаси етишмаслиги бўлган бешта моносомик линиялар иштирокидаги дурагайларда дурагай уруғларни тугувчанлик ўта тор доирада (18,64±5,07 дан 35,48±4,96% гача) бўлиб. Дурагай F₀ уруғларнинг унувчанлиги биров фарқ қилди (66,67 дан 100% гача). F₁ ўсимликларнинг яшовчанлик фақат битта дурагай варианты F₁(Мо92хPima 3-79) ушбу кўрсаткич биров пасайишни кўрсатган (93,33% гача). 7 хромосомаси етишмовчилиги бўлган моносомик Мо27 линия Pima 3-79 линияси чатиштирилганда дурагай уруғларни тугувчанлиги кучли пасайди (39,53±7,46%), дурагай F₀ уруғларининг унувчанлиги ва яшовчанлик даражаси эса ўртача пасайган (мос равишда 88,24% ва 93,33%). 18 хромосомаси етишмовчалиги бўлган моносомик Мо48 линия иштирокидаги варианты (Мо48хPima 3-79) дурагай F₀ уруғларни тугувчанлиги назорат дурагайга таққосланганда (73,83±4,25%) юқори даражада (82,61±7,90%), шунингдек F₁ ўсимликларнинг унувчанлиги (89,47%) ва яшовчанлиги (100%) юқори бўлди.

6 хромосома ва 11 хромосоманинг бир елкаси етишмаслиги бўлган иккита монотелодисомик линияларини (Тело12хPima 3-79 ва Мо21хPima 3-79) чатиштириш комбинацияларида дурагай уруғларнинг тугувчанлиги


сезиларли даражада фарқ қилди ($69,05 \pm 7,13$ ва $16,00 \pm 4,23\%$, мос равишда). Бироқ, F_0 уруғларнинг унувчанлиги юқори бўлганлиги ($96,43$ ва $88,88\%$, мос равишда), шунингдек яшовчанлик даражаси энг юқорилиги (100%) билан тавсифланди бу эса ғўзанинг хромосоманинг алоҳида елкалари етишмаслигига бардошлилигини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи бобининг “Ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб анеуплоид линияларини *G.barbadense* L. турининг Pima 3-79 линияси билан чатишидан олинган анеуплоидлар F_1 дурагайларининг цитогенетик таҳлили” деб номланган учинчи бўлимида *G.hirsutum* турига мансуб 19 та моносомик ва иккита монотелодисомик линиясини *G.barbadense* турининг Pima 3-79 линияси билан чатиштирилишидан олинган F_1 дурагай оилалар ўрганилган. Бунда, инберд Л-458 линияси Pima 3-79 линияси билан чатиштирилишидан олинган F_1 ўсимлиги назорат сифатида хизмат қилган. Мейозни метафаза-I босқичида ўрганиш натижасида 16 та чатиштириш комбинациясидан 32 анеуплоид дурагайлар аниқланиб, барча ўрганилган оналик чангларида ва 12 та дурагай оиласида 25 та бивалент ва битта турли ўлчамдаги унивалент ҳосил бўлган ҳолда одатий хромосома конъюгация аниқланди (1а-г-расм). Иккита F_1 (Mo34xPima 3-79 ва Mo95xPima 3-79) чатиштириш комбинациясидан ўсимликларда хромосома конъюгацияси бузилганлиги аниқланди, битта дурагай оилада (F_1 Mo95xPima 3-79)– 6 хромосомаси бўйича алмашган моносомик ўсимлик (106_5) аниқланди ва у хромосомаларнинг битта квадριвалентли ассоциацияси мавжудлиги билан ажралиб турди, монотелодисомик дурагайда эса гетероморфли бивалент мавжуд бўлиб, бу айрим хромосома елкасининг етишмаслигини кўрсатади (1д-расм).



1-расм. Анеуплоид линияларни Pima 3-79 линияси билан чатиштиришдан олинган дурагай ўсимликларнинг оналик чангчи хужайраларида мейознинг метафаза-I босқичида хромосомаларнинг конфигурацияси: а) F_1 Mo16xPima 3-79 ($25^{II}+1^I$) (98_2) 2 хромосомаси бўйича алмашган; б) F_1 Mo58xPima 3-79 ($25^{II}+1^I$) (530_2) 4 хромосомаси бўйича алмашган; в) F_1 Mo95xPima 3-79 ($25^{II}+1^I$) (2_8) 6 хромосомаси бўйича алмашган; г) F_1 Mo48xPima 3-79 ($25^{II}+1^I$) (529_{16}) 18 хромосомаси бўйича алмашган; д) F_1 Mo21xPima 3-79 (25 нормал бивалентлар ва битта гетероморфли бивалент) (100_1) (кўрсатгич унивалент ва гетероморфли бивалент каратилган).

Микроспоралар спорада босқичини таҳлилида алоҳида хромосомаси алмашган F_1 анеуплоид дурагайи ўсимликларида, юқори мейотик индекс аниқланди ($94,32 \pm 0,74$ дан $99,93 \pm 0,07$ гача) ва оз миқдордаги микроядрога эга тетрадалар ($0,02 \pm 0,02$ дан $1,18 \pm 0,31\%$ гача) аниқланди (2-расм).



2-расм. Дурагай F_1 Mo67xPima 3-79 (308₁) ўсимликларни спорадалари; а) нормал тетрада; б) иккита монадлар ва иккита тетрадлар; в) ноодатий тетрада; г) микроядро эга тетрада; д) гептада.

Турли дурагай оилаларда ва айрим оилаларнинг ичида чанг пуштлилигининг қиёсий таҳлили кучли фарқланишларни кўрсатди. Шундай қилиб, **2** хромосомаси бўйича алмашган дурагай оила ичида ва **4** хромосомаси бўйича алмашган баъзи оилаларда чангларнинг пуштлилиги кўрсаткичлари ўхшаш эди. **4** хромосомаси бўйича алмашган бошқа дурагай оилалар ичида F_1 (Mo7xPima 3-79, Mo59xPima 3-79, Mo60xPima 3-79), **6** хромосомаси бўйича (F_1 Mo34xPima 3-79), шунингдек **6** ва **11** хромосомаси бўйича монотелодисомик дурагайларда F_1 (Telo12xPima 3-79 ва Mo21xPima 3-79) чанг пуштлилиги фарқланди. Умуман олганда, дурагай моносомиклар ўртасида фарқлар сезиларли бўлди (F_1 Mo92xPima 3-79 дурагайида $71,34 \pm 1,28$, F_1 Mo67xPima 3-79 дурагайида эса $93,12 \pm 1,35\%$). Бу ғўза геномининг специфик ногомологик бўлган хромосома алмашган дурагай ўсимликларида чангларни пуштлилигида специфик фарқлар мавжудлигини кўрсатади.

Диссертациянинг учинчи бобидаги “*G.hirsutum* L. турининг анеуплоид линияларини *G.barbadense* L. турининг Pima 3-79 линияси билан чатишишидан олинган, F_1 анеуплоид дурагайларининг биоморфологик таҳлили” деб номланган тўртинчи бўлимида алоҳида хромосомаси ёки уларнинг елкаси алмашган турлараро анеуплоид F_1 дурагайларини, бошланғич Л-458, Pima 3-79 ва дисомик F_1 дурагай шакллар билан таққослаш таҳлили амалга оширилди (3а, б, в-расм).



3-расм. Ғўзанинг бошланғич линияси ва дурагай ўсимликлари: а) Л-458 линияси; б) Pima 3-79 линияси; в) F_1 Л-458xPima 3-79 дисомик дурагайи; г) **2** хромосомаси бўйича алмашган F_1 Mo16xPima 3-79 (98₂) моносомик дурагайи; д) **4** хромосомаси бўйича алмашган F_1 Mo59 xPima 3-

79 (531₂) моносомик дурагайи; е) **6** хромосомаси бўйича алмашган F₁Mo92xPima 3-79 (539₅) моносомик дурагайи; ё) **7** хромосомаси бўйича алмашган F₁Mo27xPima 3-79 (687₄) моносомик дурагайи; ж) **18** хромосомаси бўйича алмашган F₁Mo48xPima 3-79 (529₁₆) моносомик дурагайи; монотелодисомик дурагайлар - з) **6** хромосомаси бўйича битта елкаси алмашган F₁Тело12xPima 3-79 (542₁₆) дурагайи; и) **11** хромосомаси бўйича битта елкаси алмашган F₁Mo21xPima 3-79 (102₁) дурагайи.

Барча алоҳида хромосома ёки елкалар алмашган F₁ анеуплоид дурагайлари куйидаги хусусиятларга ҳам эга бўлди: **2** хромосомаси бўйича - кўсак банди узунлиги кичик (0,6-1 см) (3г-расм); **4** хромосомаси бўйича - барг банди анча узун (10 дан 17-18 см гача), баргланиш анча қалин, барглари йирик ўлчамда, гулбанди узун (4 дан 7 см гача)(3д-расм); **6** хромосомаси бўйича - пояси ихчам, симподиал шохлари калта, анча қалин ва тўқяшил баргларга эга, тишлар сони кўп (12 дан 16 гача) тишчалар орасидаги масофа кўпайганлиги билан, (3е-расм); **7** хромосомаси бўйича - баргбанди узайган (13 см), чангдонлардаги чангчилар (135) ва уруғкуртаклар сони (34) (3ё-расм); **18** хромосомаси бўйича - баргланиш кучсиз, пояда ва баргларда тукланиш қалин, гулостикосача барглари йирик (3ж-расм); **6** хромосомаси битта елкаси бўйича - баргбанди анча узун (15 см гача), чангдонлар чангчилар тўплами-даги сони кам (79 дан 81 гача), уруғкуртаклар сони кўп (33 гача) **6** хромосомаси бўйича алмашган моносомик F₁ дурагайлар билан таққосланганда (5з-расм); **11** хромосомаси битта елкаси бўйича - барги уч бўлаккли, гулостикосачабаргдаги тишлари сони кўпайган (15) ва чангдонлардаги чангчилар сони (135), шунингдек уруғкуртаклар сони (34) (3и-расм).


Диссертация учинчи бобининг “Ғўзанинг *G.hirsutum* L. моносомик ва монотелодисомик линияларини турлараро анеуплоид дурагайлар F₁ (МохPima 3-79 ва ТелоxPima 3-79) билан чатишишидан олинган F₁BC₁ дурагайларида чатишувчанлик, чигит тугиш, уруғларни унувчанлиги, шунингдек F₁BC₁ дурагай ўсимликларининг яшовчанлиги таҳлили” деб номланган бешинчи бўлимида ЎЗМУнинг Цитогенетик коллекциясидаги рекуррент ота-оналар сифатида хизмат қилган 12 идентификацияланган моносомик линия (2, 4, 6, 7 ва 18 хромосомалар бўйича) ва иккита монотелодисомик линиялар (6-тело ва 11-тело хромосома бўйича алоҳида елкаси алмашган) ни турлараро анеуплоид F₁ дурагайлар билан чатиштириб F₁BC₁ дурагай кўсаклар олиш мақсадида бажарилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган. **2** хромосома етишмовчилиги эга бўлган моносомик линиясининг F₁BC₁(Mo16xF₁98₂) чатишувчанлиги (10,00%) бошланғич дурагай F₁ (33,33%) билан таққослаганда жуда паст бўлди, F₁BC₁ дургай уруғларини тугилувчанлиги таҳлили бироз пасайишни кўрсатди ва унувчанлиги (22,22% гача) кучли пасайиш билан характерланади ҳамда яшовчанлик даражаси юқори (100%) бўлди.

Чатиштиришда **4** хромосома етишмовчилиги эга олти моносомик линияси иштирок этди. Моносомик линияларнинг чатишувчанлик даражаси бошланғич F₁ дурагай билан сезиларли даражада фарқ қилди (12,50 дан 64,29% гача). Шундай қилиб, энг паст чатишувчанлик (12,50 ва 15,38%) иккита (Mo59 ва Mo58) линия иштирокида олинган чатиштириш комбинациясида. F₁BC₁ дурагай уруғларининг тугувчанлиги барча

чатиштириш вариантларида пасайишни кўрсатди ($21,95 \pm 6,46$ дан $52,78 \pm 8,32\%$ гача). Аммо, ушбу кўрсаткичларни бошланғич F_1 дурагайи билан таққослаганда **4** хромосома бўйича алмашган F_1BC_1 дурагай уруғларини тугилиши сезиларли пасайиши аниқланди. Дурагай F_1BC_1 уруғларни унувчанлиги, кучли фарқланди.

6 хромосомаси етишмаслиги бўлган моносомик линияларда ҳам F_1BC_1 да чатишувчанликнинг тор доирада (20,00 дан 23,08% гача) бўлсада, пасайганлиги намоён бўлди. F_1BC_1 (Мо92xF₁539₅) дурагайида бошланғич F_1 дурагай билан таққосланганда ($28,33 \pm 5,82\%$) F_1BC_1 дурагайлари ичида энг паст уруғ тугувчанлиги кузатилди ($9,52 \pm 3,20\%$). **7**- ва **18**- хромосомаси етишмайдиган Мо27 ва Мо48 моносомик линияларининг чатишувчанлиги бошланғич дурагайлардан сезиларли равишда фарқ қилди (мос равишда 53,85 ва 6,25%). **6** ва **11** хромосомаларнинг елкаси етишмаслиги бўлган иккита (Тело12 ва Мо21) монотелодисомик линияларнинг чатишувчанлигида бошланғич F_1 дурагай (100%) билан таққослаганда пасайиш ($33,33\%$ дан $80,00\%$ гача) кузатилди.

Диссертация учинчи бобининг “Ўзанинг *G.hirsutum* L. моносомик ва монотелодисомик линияларни турлараро анеуплоид дурагайлар F_1 (МохРiма 3-79 ва ТелоХРiма 3-79) билан чатишишидан олинган анеуплоид F_1BC_1 дурагайларнинг цитогенетик таҳлили” деб номланган олтинчи бўлимида 14 та **4**, **6**, **7** ва **18**- хромосомаси-алмашган F_1BC_1 моносомик дурагайларининг хромосома конъюгациянинг қиёсий таҳлили келтирилган. Бунда мейознинг М-I босқичида хромосомаларнинг меъёрий конъюгацияси кузатилиб, ғўза учун одатдагидек 25 бивалентлар ва битта ҳар хил ўлчамдаги унивалента ҳосил бўлиб, бу бошланғич моносомик линияларга мос тарзда рўй берди. **6**- ва **11**- хромосомаси алмашган тўртта монотелодисомик дурагайда хромосома конъюгациясини ўрганиш натижасида гетероморфли бивалентлар мавжудлиги аниқланди ва бу **6**- ва **11**- хромосомаларида елкалардан бирининг етишмаслигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Моносомик линияларни турлараро моносомик F_1 дурагайлар билан чатиштиришдан олинган дурагайларнинг ОЧХ да мейознинг метафаза-I босқичида хромосомаларнинг конфигурацияси: а) F_1BC_1 (Мо58xF₁530₃) ($25^{II}+1^I$) (115_1) **4** хромосомаси бўйича алмашган; б) F_1BC_1 (Мо92xF₁539₅) ($25^{II}+1^I$) (1040_2) **6** хромосомаси бўйича алмашган; в) F_1BC_1 (Мо27xF₁687₄) ($25^{II}+1^I$) (111_5) **7** хромосомаси бўйича алмашган; F_1BC_1 (Мо48xF₁52916) ($25^{II}+1^I$) (114_1) **18** хромосомаси бўйича алмашган (кўрсаткич унивалентларга каратилган).

Микроспорларнинг спорадалар босқичидаги таҳлили, **4**, **6**, **7** ва **18**, шунингдек **6**-елка ва **11**-елка хромосомаси алмашган 17 та F_1BC_1 анеуплоид ўсимликларда, шунингдек юқори мейотик индекс аниқланди ($98,99 \pm 0,20\%$ гача) ва микроядроли тетрадалар сони кўп бўлмади ($2,55 \pm 0,67\%$). Алоҳида хромосомаси алмашган моносомик дурагайлар орасида чангчиларнинг

пуштлилиги бўйича фарқланишлар F_1BC_1 турли оилаларида сезиларли эди ва бу $F_1BC_1(Mo60 \times F_1694_5)$ моносомикда $67,27 \pm 1,45\%$ дан ($Mo48 \times F_1529_{16}$) моносомикда $95,72 \pm 0,91\%$ гача ташкил қилди. Бу ҳам чанглар пуштлилигининг F_1BC_1 ўсимликларда специфик ногомологик хромосома ёки уларнинг елкалари алмашганлигига кўра ўзига хос фарқ қилишини кўрсатади.

Диссертация учинчи бобининг “Ўзанинг *G.hirsutum* L. моносомик ва монотелодисомик линияларини турлараро анеуплоид F_1 (МохРiма 3-79 ва ТелохРiма 3-79) дурагайлар билан чатишишдан олинган F_1BC_1 анеуплоид дурагайларнинг биоморфологик таҳлили” деб номланган еттинчи бўлимида дурагайларда бошланғич анеуплоид F_1 дурагайлар билан таққослаганда юзага чикувчи фарқланувчан хусусиятлар мавжудлиги кўрсатиб берилган. Бундай хусусиятлар **4** хромосомаси алмашган F_1BC_1 моносомик дурагайда $F_1BC_1(Mo58 \times F_1530_3)$ ва $Mo75 \times F_1104_2$) да (115_1 ва 298_2 мос равишда) баргларнинг кўплиги, поянинг калта туклар билан қалин қопланганлиги ва баргларнинг ўртача тукланишидан иборат бўлди. **6** хромосомаси алмашган F_1BC_1 моносомик дурагайда - пояни компактлиги билан ажралиб туради, жудаям зич баргланган, симподиал шохлар калта (I тип), жудаям қалин ва тўқ-яшил баргларга эга, кўсакбанди калта (0,5 дан 1,5 см гача), бундан ташқари **6** хромосоманинг битта елкаси алмашган монотелодисомик дурагайда - барглар йирик ва банди анча узун (15 см гача). **7** хромосомаси алмашган моносомик F_1BC_1 дурагайлар барглар оч яшил рангдалиги билан фарқланди, гулостикосачабарглардаги тишчалар сони кам (8 гача); **18**-хромосомаси алмашган моносомик F_1BC_1 дурагайларда барг уч бўлаклиги билан ажралиб турди, баргбанди калталашган (8,5 см) ва қалин тукланган, ўртача-кичик ўлчамли гулларга эга (6,5 см). **11** хромосомасининг битта елкаси алмашган монотелодисомик F_1BC_1 дурагайда - қалин ва икки-уч бўлакли ўртача ўлчамдаги барглар, гулостикосачабаргдаги тишлар сонининг камлиги (9 гача) фарқланди.

